



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 17 май, № 101 (8163)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Минни қабул қилди.



ШХТ доирасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг Ташкилотга расмий давридаги асосий тадбирларга тайёргарлик қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Бўлингани мамнуният билан қайд этилди. Самарқанд шаҳрида бўлажак ШХТ саммити ҳужжатларини келишиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

принциплари асосида кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Пандемиядан кейинги даврда фаол маданий-гуманитар алоқалар ва туризм алмашувини қайта тиклаш лозимлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

мамлакатни инфратузилмавий ривожланиш бўйича минтақавий дастурларга фаол жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда; № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 20-модданинг 2-бандидаги «ҳакамлик суди судьяси» деган сўзлар «ҳакамлик суди судьяси, арбитр» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 25-модда: биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹) арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;»

«еттинчи қисми «биринчи қисмининг» деган сўзлардан кейин «4¹) рақами билан тўлдирилсин;»

3) қуйидаги мазмундаги 28¹-модда билан тўлдирилсин:

«28¹-модда. Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар

Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар жумласига «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган қуйидаги аризалар бўйича ишлар кирди:

- 1) арбитраж тайинлаш тўғрисидаги;
- 2) арбитраж рад этишни қаноатлантириш ҳақидаги;
- 3) арбитр ваколатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш тўғрисидаги;
- 4) арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги;
- 5) тартибсиз қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги;
- 6) таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги;
- 7) далилларни олишга қўмақлаш тўғрисидаги;
- 8) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги;
- 9) арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ишлар иқтисодий судлар томонидан иқтисодий суд ишларини юриштиринг умумий қоидалари бўйича ушбу Кодекснинг 29¹-бобида кўрсатилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май куни Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сермахсул парламентлараро мулоқот, шу жумладан, минтақавий форматда ҳам ривожланиб бораётгани, бу биродар халқларимизни яқинлаштиришга катта ҳисса қўшаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон томонини жорий йил 12-13 май кунлари Ашхобод шаҳрида халқаро тадбирлар — Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясининг биринчи Парламентлараро форуми ҳамда Хотин-қизлари мулоқоти муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади.

Устувор йўналишлардаги ўзаро манфаатли

ҳамкорликни илгари суриш мақсадида парламентлар даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш ва тажриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Парламентлараро форум ишини мунтазам йўлга қўйиш, Туркменистон пойтахтида унинг доимий фаолият юритадиган котибиятини тузиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Халқаро кун тартиби юзасидан, минтақавий ҳамкорликни давом эттириш ва кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги самарали шерикликни ривожлантириш, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмақлашиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И АЙРИМ ДОЛЗАРБ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳоли орасида айрим вирусли инфекцияларни ўз вақтида профилактика ва диагностика қилиш, уларни даволаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

вирусли гепатитларнинг «В» ва «С» турларини эрта аниқлаш учун республиканинг барча ҳудудларида скрининг текширувларини ўтказиш ва касалликни даволаш қамровини ошириш;

касаллик юқиши хавфи юқори бўлган шахсларни, шу жумладан, қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишловчи тиббиёт ходимларини гепатит «В» инфекциясига қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олиш;

скрининг текширувларида вирусли гепатит «С» тури аниқланган беморларни даволаш жараёнида дори воситалари билан бепул таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида вирусли инфекцияларни аниқлаш учун сарфлов материаллари (реагент ва тест-тўпламлари) билан босқичма-босқич тўлиқ таъминлаш;

барча даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларнинг ягона электрон реестрини яратиш ва уни юритиш;

(Давоми 3-бетда).

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА.

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида иқлим ўзгаришининг Ўзбекистондаги оқибатларини юмшатиш бўйича қисқа ва ўрта муддатли чора-тадбирларни амалга ошириш режасида белгиланган вазифалар бажарилиши ҳолати юзасидан Ўзгиромет хизмати маркази бош директорининг ахбороти эшитилди.

Сенат қўмитасида

Қайд этилганидек, иқлим ўзгариши салбий оқибатлари глобал миқёсга эга бўлиб, бизнинг ҳудудимизда ҳам аққол намён бўлмоқда. Биргина Орол денгизи фалокати натижасида Марказий Осиёда иқлим ўзгариши дунё кўрсаткичидан 2 баробар жадал кечмоқда. Бу эса дарёларни шакллантирувчи музликлар тез эриши, чанг бўронлар даврийлиги ва уларнинг ортиб бориши, ерларнинг деграда-

цияга учраши, сув ресурсларининг тақчиллиги каби салбий кўринишларни келтириб чиқараётганлиги барчага маълум.

Шу сабабли ҳам кейинги йилларда юртимизда иқлим ўзгариши салбий оқибатларини юмшатиш, «яшил иқтисодиётга» ўтиш, экологик барқарорликни таъминлаш, биохилма-хилликни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

3

ЯНАДА КАТТА МАРРАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президентимиз ислохотларнинг ҳудудлардаги ижроси билан танишиш мақсадида амалга оширадиган ташрифи нафақат ўша вилоят аҳолиси, балки бутун Ўзбекистон халқи, хориждаги ватандошларимиз томонидан ҳам катта қизиқиш билан кузатиб борилади. Бунинг сабаби оддий: ушбу ташриф давомида оддий одамлар билан самимий мулоқот қилинади, уларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудуд ривожига, аҳоли фаровонлиги учун янада катта марралар белгилаб олинади.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 12-13 май кунлари Фарғонага ташриф буюриб, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, тўқимачилик тармоқла-

ридаги корхоналар фаолияти билан танишиш, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Шунингдек, ташриф чоғида вилоятни янада ривожланти-

ришга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилди. Водий гавҳари бўлмиш Фарғона вилояти юртимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, вилоятда енгил sanoat, ташриф чоғида sanoati, қишлоқ хўжалиги

соҳаси билан бир қаторда хунармандчилик ривожланган. Энг муҳими, уларнинг ҳар бирида ўзига хос Фарғона мактаби яратилган.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, «Инсон қадрини учун» эзгу тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар натижасида вилоят шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ўзгармоқда, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланган, бугунги ўзгаришларни кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

3

БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ БАЙРАМИ

Пойтахтимиздаги «Янги Ўзбекистон» мажмуасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган 56-Халқаро Менделеев кимё олимпиадаси ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Фахр

Тадбирда турли вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари, юртимизда фаолият юритаётган

дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган олимпиадада дунёнинг турли мамлакатларидан иқтидорли ёшлар ҳамда кимё илими

нинг йирик намояндлари қатнашди. Ушбу интеллектуал беллашув билим ва маърифат байрамга айланган.

Утган бир ҳафта давомида 100 га яқин истеъодлар нафақат ўзаро куч сынашди, балки билим ва тажрибаларини ошириб, янги дўстлар орттирди. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент, Самарқанддаги қадамжоларни зиёрат қилди.

3

Ўзбекистон Республикасиниڭ ҚОНУНИ

«Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасиниڭ айрым қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 – 4, 7 ва 8-бандларида санаб ўтилган ишлар иқтисодий судлар томонидан фақат, агар арбитраж жойи Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлса, кўриб чиқилади»;

4) **32-модданинг иккинчи қismi:**
қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни»;
учинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5) **37-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Арбитрни тайинлаш, арбитрарни рад этишни қаноатлантириш, арбитрар ваколлатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш, далилларни олишга кўмаклашиш, шунингдек арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза арбитраж жойлашган ердаги иқтисодий судга берилади.

Таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш, арбитраж судида кўрилаётган даввони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ариза арбитраж жойлашган ердаги ёки қардор давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ёхуд, агар қардор давлат рўйхатидан ўтказилган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **53-модданинг иккинчи қismi:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«арбитрлар, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасасининг ходимлари, ҳакамлик судьялари – арбитраж ёки ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзларига маълум бўлиб қолган хоплатлар тўғрисида»;

учинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
7) **93-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Арбитраж судида кўрилаётган даввони таъминлаш чоралари арбитраж муҳокамаси тарафининг аризасига кўра иқтисодий суд томонидан кўрилиши мумкин»;

8) **99-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Давво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги арбитражнинг ҳал қилув қарори таъминлаш чораларини иқтисодий суд томонидан бекор қилиш учун асос бўлади»;

саккизинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

9) **107-модданинг:**

1-банди «ҳакамлик суди» деган сўзлардан кейин «арбитраж суди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низои ҳакамлик судига ёки арбитражга кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига ёки арбитражга мурожаат қилиш имконияти бўи берилмаган бўлса ва, агар ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қарши бўлган жавобгар ўзининг низоининг мазмуни бўйича биринчи аризасидан кечиктирмай низои ҳакамлик судининг ёки арбитражнинг ҳал қилувиغا ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса»;

10) **110-модда** қуйидаги мазмундаги **3'-банд** билан тўлдирилсин:

«3') айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитражнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, бундан иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этган ҳоллар мустасно»;

11) **154-модданинг биринчи қismi:**

3-банди «ҳакамлик судининг» деган сўзлардан кейин «арбитраж судининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
қуйидаги мазмундаги **4'-банд** билан тўлдирилсин:
«4') айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитражнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, бундан иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этган ҳоллар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **5'-банд** билан тўлдирилсин:

«5') айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитраж муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим мавжуд бўлса, бундан арбитраж судида ушбу низои кўриб чиқиш ваколлати мавжуд эмаслиги сабабли арбитраж муҳокамаси тугатилганлиги ҳолати мустасно»;

12) қуйидаги мазмундаги **29'-боб** билан тўлдирилсин:

«29'-боб. Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни юритиш

1-§. Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишларни юритиш

232'-модда. Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқшнинг умумий қоидалари

Ушбу бобда белгиланган қоидалар арбитраж муҳокамаси тарафларнинг арбитраи тайинлаш, арбитрарни рад этишни қаноатлантириш, арбитрар ваколлатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш, таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш, таъминлаш чораларини кўриш, далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризалари иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилаётганда қўлланилади.

232²-модда. Аризанинг шакли ва мазмуни

Ушбу Кодексинг 232²-моддасида кўрсатилган аризалар ёзма шаклда бериледи ва арбитраж муҳокамасининг тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак, арбитраж суди томонидан далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисида берилган ариза эса раислик қилувчи арбитрар томонидан имзоланиши керак.

Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилётган иқтисодий суднинг номи;
2) арбитраж судининг номи, арбитражнинг жойлашган ери ва таркиби;

3) арбитраж муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) талабга асос бўлган ҳолатлар;
5) талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризада иш учун аҳамиятга бўлган қайси ҳолатлар ушбу далил билан аниқланиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган бўлиши, далил белгиланиши ва унинг турган ери кўрсатилиши керак.

Аризада тарафларнинг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили ва бошқа маълумотлари кўрсатилиши мумкин.

Агар ариза арбитраж муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вақилнинг аризани имзолашга бўлган ваколлатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Арбитрни тайинлаш, арбитрарни рад этишни қаноатлантириш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги ариза «Халқаро тижорат арбитраж тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16, 18 ва 21-моддаларида кўрсатилган мuddат ичида берилиши мумкин. Кўрсатилган мuddат иқтисодий суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган мuddат тикланиши мумкин.

Ушбу Кодексинг 232²-моддасида, ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ариза ушбу Кодексинг 155-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

232²-модда. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар

Ушбу Кодексинг 232¹-моддасида кўрсатилган аризаларга қуйидагилар илова қилинади:

1) арбитраж битимининг асл нусхаси ёки унинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

2) почта харажатлари белгиланган тартибда ва микдорда туланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3) аризанинг кўчирма нусхаси арбитраж муҳокамасининг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки хабарнома юборилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) арбитрарни тайинлаш тўғрисидаги аризага – арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари; аризачи (арбитраж муҳокамаси тарафлари) томонидан арбитрар тайинланганлиги ёхуд арбитрарни тайинлаш тартиб-таомилига риоя этилмаганлиги далиллари;

2) арбитрарни рад этишни қаноатлантириш ҳақидаги аризага – арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари; арбитрарни рад этиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича арбитраж суди ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ажримининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низои ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ажримининг кўчирма нусхасидаги арбитрар имзоси нотариял тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

3) арбитрар ваколлатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш тўғрисидаги аризага – арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари; арбитрар ўз вазифаларини бажариши мумкин эмаслигини тасдиқловчи далил ёки арбитрарнинг ўз вазифаларини амалга оширишга асоссиз равиида кечикшисиз киришмаганлигини тасдиқловчи далил;

4) арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳақидаги аризага – арбитраж судининг ўз юрисдикцияси ҳақидаги ажримнинг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ажримининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низои ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ажримининг кўчирма нусхасидаги арбитрар имзоси нотариял тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

5) таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага – арбитраж судининг таъминлаш чоралари кўрилганлиги ҳақидаги ажримнинг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ажримининг кўчирма нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низои ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ажримининг кўчирма нусхасидаги арбитрар имзоси нотариял тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

6) таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризага – арбитраж судига даъво тақдим этилганлигининг далиллари;
7) далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризага – арбитраж судининг иш юритувчида низо мавжуд бўлиб, уни ҳал этиш учун далиллар зарурлиги ва бу далилларни олиш учун кўмаклашиш ҳақида ариза берилганлигининг далили.

Чет тилида тузилган ҳужжатларни иқтисодий судга тақдим этишда ушбу ҳужжатларга уларнинг давлат тилидаги ёки иқтисодий суд ишлари юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб топширилиши керак.

232⁴-модда. Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд муҳокамаси

Таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги, таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризалар бўйича ишлар ариза келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Арбитрни тайинлаш, арбитрарни рад этишни қаноатлантириш, арбитрар ваколлатларининг амал қилишини тугатиш хусусида қарор қабул қилиш, арбитраж судининг юрисдикцияси масаласи юзасидан қарорлар қабул қилиш, далилларни олишга кўмаклашиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида кўриб чиқилади.

Арбитраж муҳокамасига кўмаклашиш билан боғлиқ ишлар иқтисодий суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича мазкур бобда кўрсатилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишларни кўриб чиқиш чоғида суд доимий арбитраж муассасаси арбитрарларининг рўйхатига киритилган арбитрарлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилаётган иш билан боғлиқ бўлган иш материалларини талаб қилиб олиши мумкин. Арбитраж муассасаси талаб қилиб олинадиган ҳужжатларни сўров қабул қилинганидан кейинги кундан кечиктирмай иқтисодий судга тақдим этиши шарт.

Иқтисодий суд ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Иқтисодий суднинг таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ҳамда таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

2-§. Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш

232²-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш

Арбитраж муҳокамасининг тарафи арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан иқтисодий судга арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани бериш орқали шикоят қилиши мумкин.

Ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахслар ҳам арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиши мумкин.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу аризани берган тараф арбитражнинг ҳал қилув қарорини олган санадан эътиборан, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»-ги Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ илтимоснома берилган тақдирда эса ушбу илтимоснома бўйича арбитраж суди

томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан эътиборан ёки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахс арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани бериш учун асос бўлган ҳолатларни билган ёки билиши керак бўлган санадан эътиборан үч ой ўтган берилиши мумкин эмас.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза келиб тушган тақдирда, иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги масала бўйича иш юртишни арбитраж судига арбитраж муҳокамасини тиклаш ёки арбитраж судининг фикрига кўра арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асосларини бартараф этадиган бошқа ҳаракатларни бажариш имконини бериш учун ўзи белгиланган мuddатга, тегишли ҳолатда ва тарафлардан бирининг илтимосномасига кўра тўхтатиб туриши мумкин.

232²-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва арбитраж муҳокамасининг тарафи ёки ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахслар ёки уларнинг вакили томонидан имзоланади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилётган иқтисодий суднинг номи;
2) арбитраж судининг номи, арбитражнинг жойи ва таркиби;
3) арбитраж муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;
5) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган тараф шикоят қилинаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва ушбу қарор устидан қандай асослар бўйича шикоят қилинаётганлиги.

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада тарафларнинг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили ва бошқа маълумотлари кўрсатилиши мумкин.

Арбитраж муҳокамаси тарафининг арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар илова қилинади:

1) арбитраж ҳал қилув қарорининг тасдиқланган кўчирма нусхаси. Доимий арбитраж муассасаси ҳал қилув қарорининг қарорлар нусхаси ушбу арбитраж муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади, муайян низои ҳал қилиш учун ташкил этилган арбитраж суди ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхасидаги арбитрар имзоси нотариял тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) арбитраж келишувининг асл нусхаси ёки унинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

3) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;
4) белгиланган тартибда ва микдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари туланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари арбитраж муҳокамасининг бошқа тарафига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Чет тилида тузилган ҳужжатлар иқтисодий судга тақдим этилаётганда, ушбу ҳужжатларга уларнинг давлат тилидаги ёки иқтисодий суд ишлари юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб топширилиши керак.
Ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахсининг арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризасига ушбу модда тўртинчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

Агар арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза арбитраж муҳокамаси тарафининг вакили ёки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахснинг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вақилнинг аризани имзолашга бўлган ваколлатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ушбу Кодекс 232²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ушбу Кодексинг 154-моддасида назарда тутилган қоидаларга кўра арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилиши лозим.

Ушбу Кодекс 37-моддасининг бешинчи қисмида, мазкур модданинг биринчи, иккинчи, тўртинчи – еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексинг 155-моддасида назарда тутилган қоидаларга кўра аризачига қайтарилади.

232²-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш

Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексинг 28-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

232²-модда. Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари

Арбитражнинг ҳал қилув қарори, агар тараф ёки ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида арбитражнинг ҳал қилув қарори қабул қилинган шахс қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, иқтисодий суд томонидан бекор қилиниши лозим:

1) арбитраж келишуви тарафлар ушбу келишувни қайси қонунчиликка бўйсундирган бўлса, ўша қонунчилик бўйича, бундай қонунчилик мавжуд бўлмаганда эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳақиқий эмаслиги далилини;

2) «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган арбитраж келишувининг тарафларидан бири қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз эканлиги далилини;

3) тараф арбитрар тайинланганлиги ҳақида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз важларини тақдим эта олмаганлиги далилини;

4) арбитражнинг ҳал қилув қарори арбитражда ҳал қилиниши назарда тутилган ёки арбитражга мурожаат қилиш шартларига тўри келмайдиган низо бўйича қабул қилинганлиги далилини ёки унда арбитраж келишувини қўлаш доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича қарор мавжудлиги далилини. Бунда, агар арбитражда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар бўйича қарорларни арбитражга тегишли бўлмаган масаладан ажратиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда арбитраж ҳал қилув қарорининг арбитражга тегишли бўлмаган масалалар бўйича қарори мавжуд бўлган қисмигина бекор қилиниши мумкин;

5) арбитраж судининг таркиби ёки арбитраж тартиб-таомили тарафларнинг келишувига мувофиқ эмаслиги далилини, агар фақат бундай келишув «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тарафлар чекиниши мумкин бўлмаган ҳар қандай қоидасига зид бўлмаса ёки бундай келишув мавжуд бўлмаса, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ эмаслиги далилини.

Агар иқтисодий суд:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЙРИМ ДОЛЗАРБ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

вакциналар, тест-тўпламлари ва вирусга қарши дори воситаларининг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги назоратини такомиллаштириш;

вирусли инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

вирусли инфекциялар юқишининг олдини олиш тадбирлари бўйича аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-215-сон қарорига асосан 2022 йил 1 июндан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит "В" касаллигига қарши бепул эмлаш амалиёти жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Куйидагилар: 2022 — 2025 йилларда айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича дастур (кейинги ўринда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

2022-2023 йилларда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ходимларини гепатит "В" инфекциясига қарши эмлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ;

2022 йил 1 июндан бошлаб ҳар йили республика аҳолисини вирусли гепатит "В" ва "С" турларига скрининг текширувлари сони 1 миллион нафаргача, полимераз тақсим реакцисига (ПЗР) текширувлари сони 15 минг

нафаргача, вирусли гепатит "С" тури билан касалланган беморларни даволашни 10,5 минг нафаргача етказилади;

2022 йил 1 сентябрдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни белгиллаш билан бирга уларни ўз ҳисобидан гепатитнинг "В" ва "С" турларига скрининг текширувларидан ўтказиш тартиби жорий этилади.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев);

Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида "IT-Med" масъулияти чекланган жамияти томонидан жигар сурункали вирусли касалликларнинг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда — Реестр) 2022 йил 1 ноябрга қадар ишлаб чиқишини, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватлашнинг таъминласин;

2023 йил 1 январга қадар Реестрни юриштириш қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тиббиёт ташкилотларига жорий қилиб, уларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйсин;

2022 йил 1 июндан бошлаб Вирусология илмий-тадқиқот институтида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарь, Сурхондарь, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги тегишли муассасаларда Крим-Конго геморрагик иситмаси билан касаллини тузалганларнинг (донорларнинг) қон плазмаси банки яратилишини таъминласин;

даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида юқумли касалликларга, шу жумладан, сурункали вирусли гепатитларга тахшиш қўйиш ва уларни даволаш стандартларини такомиллаштирсин ҳамда уларга риоя қилиниши устидан назоратни кўчайтирсин.

6. Белгилансинки:

2022 йил 1 июндан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотлари қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларини гепатит "В" инфекциясига қарши эмлашни, шунингдек, Реестр ишга тушган пайдан бошлаб бу ҳақдаги маълумотнинг Реестрга киритиб борилишини таъминлайди. Бунда, эмланмаган ходимларнинг эмлаш уларнинг асосий иш жойи бўлган тиббиёт ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларнинг гепатит "В" инфекциясига қарши эмланган бўлиши ҳамда Реестрнинг белгиланган тартибда юритилиши тиббий фаолиятни лицензиялаш талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда 2022 йил 1 июндан бошлаб ҳар йили кенг тарқалган вирусли инфекциялар муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) 2022 йилнинг якунига қадар вирусли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашида зарур бўладиган вакцина, дори ва диагностикалар каби воситаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Белгилансинки, тегишли даволаш-профилактика муассасалари учун зарур тест-тўпламлари, диагностикалар ва сарфлов материалларини харид қилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, Республика эпидемияга қарши курашиш фавуллода комиссиясини йиғилишларида ушбу масала ҳар йили муҳофизат қилинишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда жойларда вирусли инфекцияларнинг тарқалиши масалалари бўйича кенг тушунтиришлар, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишни кўчайтирсин.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиокўрсаткичлар ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида вирусли инфекцияларга қарши курашишнинг долзарб масалаларини мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари Б.К.Осупалиев белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2022 йил 16 май

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА.

Хусусан, иқлим ўзгаришига жиддий таъсир қилувчи ёқилги-энергетика, sanoat, қурилиш тармоқларидан ташланаётган инфослантерирувчи моддаларни кескин камайтириш мақсадида ҳозирда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш бўйича кенг қамровли стратегия, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш дастури ҳаётга татбиқ этилаётди.

21,3 фоииз энергетика соҳаси ҳиссасига тўғри келиши аниқланган. Бундан ташқари, соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йилда Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилган. Қорақалпоғистонда 100 МВт қувватли янги шамол электр станцияси қурилиши бошланган.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, вазирликлар ва идоралар томонидан қисқа ва ўрта муддатли чора-тадбирларни амалга оширишдаги сустқилишлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "яшил иқтисодиёт"га ўтиш стратегиясини амалга ошириш тўғрисидаги 2022 —

ЯНАДА КАТТА МАРРАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистоннинг қарийб 11 фоииз аҳолиси истиқомат қиладиган Фарғона вилояти аҳолисига муносиб турмуш шароитини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоиизи ташкил этди. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида қиймати 1,2 трлн. сўмлик 262 та лойиҳа ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари таширф буюрган Бувайда туманида ўз фаолиятини бошлаган мебелсозлик sanoat зонасида 3 минг 700 та янги иш ўрни яратилган бўлса, Учқўрғи туманида ташкил этилган энгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдо логистика комплексида 7 минг 661 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган.

нинг 18 млн. метр юқори сифатли мато ва 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган 120 млн. евро қийматидаги лойиҳаси жорий йилнинг 4-чорагида ишга туширилиши нати-



Пахта етиштириш ва тўқимачилик sanoatини ривожлантиришда кластерлар ташкил этиш қанчалик инқилобий ва ниҳоятда тўғри қарор бўлганлигини "Global Textile" компанияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Компания-



лоийҳаларнинг ишга тушиши орқали 8,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши билан бирга, вилоятнинг экспорт салоҳияти ошишига ҳам эришилади. Умуман, таширф давомида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижроси янги иш ўринлари яратишга, аҳоли даромадларининг ошиши, тадбиркорларнинг кўпайишига хизмат қилади.

ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАРДАГИ МАСЛАХАТ КЕНГАШЛАРИ ИШИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенаторлар бошчилигидаги ишчи гуруҳ вазирлик ва идораларда ташкил этилган маслаҳат кенгашлари фаолиятини таҳлил қилмоқда. Яъни гуруҳ аъзолари унга бўлинган ҳолда ўрганишлар олиб борапти.

фаолияти қай даражада йўлга қўйилгани ва бунга масъул бўлган шахслар фаолиятини чиғирилдан ўтказди. Сенатор Г. Маруфова бошчилигидаги 3-кичик гуруҳ аъзолари Молия, Мақтабағча таълим, Ички ишлар, Спортни ривожлантириш, Туризм ва маданий мерос вазирликларида ўрганиш ўтказди. Шу жараёнда вазирликлар ва унинг ҳудудий тузилмаларида хотин-қизларга яратилган шарт-шароит, жумладан, спорт заллари, дам олиш хоналари, ахборот-ресурс марказлари фаолияти эътибор марказида бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари аёллар ва эркекларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлангани юзасидан ҳодимлар билан суҳбат ўтказди. Хотин-қизларни ишга қабул қилиш, раҳбар аёллар захирасини шакллантириш, уларнинг касбий тайёр-

Сенатор ва ҳаёт

Хозирга қадар қўмита раиси М. Қодирхонова бошчилигидаги 1-кичик гуруҳ аъзолари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари маслаҳат кенгаши фаолиятини ўрганди. Кенгаш ходимлари билан суҳбатлар ташкил этилиб, хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар кўздан кечирилди.

Кўмита раиси ўринбосари М. Париев бошчилигидаги 2-кичик гуруҳ аъзолари Қўшлоқ ҳўжалиги, Сув ҳўжалиги, Маданият ҳамда Фавулод-вазирятлар вазирликларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида маслаҳат кенгашлари

вазирлик ва идоралардаги маслаҳат кенгашлари "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бундан қўзланган асосий мақсад опа-сингилларимиз учун муносиб меҳнат шартини яратишга қўмақлашшдан иборатдир. Аини пайтда ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давом этмоқда.

ТАЪЛИМГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юрт келажиги, барча соҳадаги юксалишлар билимли инсонларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари бошчилигида охириги йилларда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар маъқеини юксалтириш бўйича кўпгина салмоқли ишлар йўлга қўйилди. Бу борада мамлакатимиз яна бир янги даврга қадам қўйди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун юртимизда таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратилаётганини кенг жамоатчилик эътироф этапти. Ўқитувчиларга яратилаётган шароит, ойлик маошларнинг босқичма-босқич оширилиши, муаллимларнинг турли хашар, мажбурий меҳнат, касбига дахли йўқ мажлислардан озод этилгани ҳамда қўғозбозликнинг кескин қисқартирилгани, албатта, қувонарли ҳолидир. Иқтидорли ўқувчиларнинг юқори технологиялар ва замонавий билимларнинг чуқур ўзлаштирилишига кенг шароитлар яратилиши фикримизнинг аққол далилидир.

Юз навбатда, ушбу хизмат сафари давомида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишини ташкил этиш, маҳаллий Кенгашлар сессияларида тегишли масалалар бўйича қатнашиш, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоколлари) сайлови ўтказилиши жараёнида ҳамда Сенат қарорлари ижроси, парламент юқори палатасига келган фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳам мақсад қилинган.

Акс садо

Шу йил 11 май куни Президентимизнинг "2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, жамиятда ўқитувчи касби нуфузини ошириш, педагоглар учун қулай ижтимоий шароитлар яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини янада кунайтириш бош мезон қилиб кўрсатилади.

Ушбу йил 11 май куни Президентимизнинг "2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, жамиятда ўқитувчи касби нуфузини ошириш, педагоглар учун қулай ижтимоий шароитлар яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини янада кунайтириш бош мезон қилиб кўрсатилади.

Маълум бўлишича, Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан фаолият очиклигини таъминлаш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар умуман бажарилмаган. Аини пайтда эса ишчи гуруҳи Хоразм ва Бухоро вилоятларида очикликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича ўрганишларни давом эттирмоқда.

БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ БАЙРАМИ

Халқаро олимпиада голиблари орасида Ўзбекистондан — Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Азимжон Жамолов ҳам борлиги кишини қувонтиради. У биринчи ўринга сазовор бўлди. Олимпиаданинг мутлақ голиби сифатида ва Россия Фанлар академияси академиги Валерий Лунин номидаги махсус пул мукофотида россиялик Игнатий Тарабрин муносиб топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов иштирок этди.

Соғинч

«ҲАЙҚИРАМАН, ЖОНМАС, ЭРК ТОЖИНГНИ ТУТ»

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳаёт бўлганида бағур тугаруқ 75 ёшга кирган бўлар эди. Мазмунли умр кечирган айтар сўзи, ўрни, кадр-қиммати юксак шоирадан бебаҳо мерос қолди.



Унинг эзгулик гоюлари, миллий ва умумбагарий қадриятларга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда чет элларда ҳам китобхонлар эътирофига сазовор бўлган. Ўзбекистонимизни озод ва ҳур, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида кўришни ҳаётининг мазмуни, деб билган ижодкорнинг барча асарларида халқимизнинг дарду қувончлари, кўл асрлик армонлари, таъбир жоиз бўлса, миллият руҳи ўз ифодасини топди.

Шоира мамлакатимиз истиқлолга эришгач ҳам уни мустақамлаш йўлида курашиб яшади. Унинг ҳар бир шеъри бизни огоҳликка қорлаб, қалбимизни, руҳимизни пок сақлашга даъват этади. Бунинг қуйидаги барҳаёт шеърларида ҳам кўриш мумкин.

ОЗОДЛИКНИ БЕРИБ КЕТИНГ

Келдингизми... Дунё яшаш-сариг ранглари, Шуларангиз кириб кетинг, Туймай қолсин қузагилар — Босиб-босмай юриб кетинг.

Юк бўлса гар, бахт юк бўлсин, Баргаларингиз кўм-кўк бўлсин, Кўларингиз куруқ бўлсин — Сархушиқдан эриб кетинг.

Томирларни улаштириб, Бурчлантириб, қучлантириб. Қайгуларни кичрайтириб — Кўкрақларни кериб кетинг.

Ёрқ, дарз топмасин ёғий, Болангизинг боллашмоғин, Ўлгингизинг элашмоғин Ташиланг. Буюриб кетинг!

Фақат ери мола қилиб, Умр ўтмасин мола қилиб, Болангизга бола қилиб — Озодликни бериб кетинг!

ҲУРРИЯТ ТОЖИ

Не фидолар ўтди бу йўлда унут, Менам йўллардоғи битта фидоман. Ҳайқираман, жонмас, эрк тожининг тут, Бугун ҳайқирикча дўнган ишдоман.

Ҳамон қон томади яраларимдан, Ҳамон қизларим уларим қорни. Менинг бу ҳайқирки, навраларимдан Сергак тортаётган бир бола борми?

Бу бола биларми бошидаги тож Ўзга келгунча кимлардан ўтган?! Бу тожини Қодирий юпун, яланғоч, Яланғобо, қонга бўялаб кутган.

Қилчлар ўйнаган хор бошларида, Гарчанд, бугун сен тахт, шонни кўрасан. Синқилаб қарасанг, тож тошларида Силқиб оқайтган қонни кўрасан.

Унутма, бу юрт қон — шонларнинг юрти, Бу бахтга қон билан тўлангандир бож. Не олтин бошларинг хоксини кўрди, То Сенинг бошинга кўнгулча бу тож! Унутма!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири.

КОРОНАВИРУС ЗАНЖИРИНИ УЗИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ВА ИЛМИЙ ЖАМОАТЧИЛИКДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

Шу йил 20 май куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Тошкент тиббиёт академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг "Одам ва ҳайвонлар физиологияси" кафедраси ҳамкорлигида "COVID-19, коронавируснинг биологияси, этиологияси ва физиологияси" мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференция олдидан

Унда жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатларидан етук мутахассислар, юрти-миз ва хорижнинг ўнлаб фармацевтика компаниялари ўз махсулотлари билан иштирок этиши кутуляпти. Конференциянинг янги ҳамда шўба йиғилишларида коронавируснинг биологияси, физиологияси ва бу касалликнинг олдинчи олиш йўллари бўйича амалга оширилган илмий ишлар якунлари Ўзбекистон тажрибаси мисолида муҳокама қилинади, илмий ютуқ ва инновацион ишланмалар орасидан энг мақбулларини амалиётга татбиқ қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Шунингдек, вирус-ли касалликларга қарши ишлаб чиқариш йўлга қўйилган янги дори воситалари тақдимотлари ҳам ўтказилади.

Кейинги йилларда илм-фан, тиббиёт жадал ривожланганига қарамасдан


вирусли юқумли касалликлар ҳамон дунё соғлиқни сақлаш соҳаси олдидagi долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хозирги вақтда ҳам миллионлаб одамлар у ёки бу турдаги юқумли касалликлар билан касалланаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юқумли хасталикларнинг 80 фоизини вирусли касалликлар ташкил этади. Тиббиёт ходимларининг самарали ҳаракатлари тўғрисида уларнинг баъзилари, масалан, чин чечак бутунлай бартараф этилган бўлса, шол, бўлма, ўлат, безгак, қоқшол каби касалликлар билан касалланган даражаси кескин камайди. XXI аср бошида Шарқий Осиё мамлакатлари (Хитой, Лаос) ҳудудида парранда гриппи эпидемияси қайд қилинган бўлса, 2005 йил-

га келиб, у Россия ва Европа мамлакатларига (Руминия, Италия) тарқалди. 2006 йилда эса касаллик Туркия ва Озарбайжонда рўйхатга олинди, Туркияда одамлар орасида касалланиш натижасида ўлим ҳолатлари ҳам қузатилди.

"Чўчка гриппи" номи билан танилган Н1N1 янги грипп вируси эса 2010 йили Ер юзининг қатор мамлакатларига пандемик равишда тарқалди. Ундан сўнг, аникроги, 2014 йил февралдан 2015 йил февраль охиригача Эбола иситмасининг катта эпидемияси Шарқий Африка мамлакатларида (Гвинея, Сьерра-Леоне ва Либерия) давом этиб, 23,5 миллион нафардан кўп одамни зарарлади. Энг ёмони, 9,5 мinggaдан ортиқ ўлим ҳолатлари қузатилди.

Коронавируси аталмиш янги вирус кириб бормаган жой деярлик қолмади. Бунинг оқибатида 2019 — 2022 йилларда дунёнинг 221 давлатида жами 505,3 миллион беморда коронавирус инфекцияси аниқланган бўлса, улардан 6,2 миллион нафари вафот этди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 238 миң беморда коронавирус инфекцияси қайд этилиб, уларнинг 1 миң 637 нафари ҳаётдан кўз юмди.

Ўзбекистонда коронавирус касаллиги кириб келиши ва тарқалишининг олдинчи олиш бўйича Республика махсус комиссияси ташкил этилди, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Аҳоли-



ни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Беморлар махсус шифо ма-катларига жойлаштирилиб, ўз вақтида даволаниши қатъий тартиб-интизом асосида олиб борилди. Эпидемик вазият эътиборга олинган ҳолда карантин чекловларини қўллаш ёки босқич-ма-босқич юмшатиш чоралари қўрилди.

Харвард университети (АҚШ) профессори Рафаил Кушакнинг айтишича, шу пайтгача дунёнинг қўллаб ма-катларига ушбу касалликка бағишланган турли йиғилишлар ўтказилган бўлса-да, ҳали бирор жойда илмий анжуман ташкил этилгани йўқ. Ўзбекистон бу борада биринчи бўлди. Коронавирус пандемияси барча бўғиндаги тиббиёт тизимининг ютуқ ва камчиликларини, санитария-эпидемиология хизматининг нечоғлик стратегик аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатди. Ушбу соҳага эъти-

борни сусайтириш юқумли касалликлар бўйича бошқариб бўлмайдиган вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкинлигини бутун дунё ҳамжамияти англаб етди.

Хозир тиббиёт тизимига илгор технологиялар, инновацияларни татбиқ қилишга, замонавий тахлил ва диагностика ускуналари билан қуроллантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Санитария-эпидемиология хизмати қўшиқда Миллий референс лабораторияси ишга туширилиб, халқаро аккредитациядан ўтказилди. Бундан ташқари, республика бўйича 170 дан ортиқ ПЗР аппаратураси билан жиҳозланган полимераза занжир реакцияси усулида тахлил ўтказишга ихтисослаштирилган вирусология лабораториялари тизими фаолият кўрсатмоқда. Ушбу лабораторияларда кунга ўртача 40 — 60 миң, касаллик кириб келган даврдан буён эса 20 миллионга яқин тахлиллар ўтказилди.

Шу билан бирга, COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши эмлаш тadbирлари изчил олиб борилмоқда. Бунда жами 63,6 миллион дозадан ортиқ 7 турдаги вакцина келтирилиб, аҳолига вакцинани танлаш имконияти яратилгани айни мuddадо маъқул. Пировардидо, бугунги кунга қадар 50 миллион доза вақтинча қўлланган.

Нурмат ОТАБЕКОВ, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг ўринбосари, Бақридин ЗАРИПОВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик.

ЕНГИЛ САНОАТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИС-КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ



Engil Sodirov — Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланган соҳаларидан бири. Бунинг бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тайёр тўқимачилик махсулотлари жаҳон бозорига ўз ўрнини мустақамлаб олаётганидан ҳам англаш қийин эмас.

Бинобарин, аини пайтда республикамиздаги 2,5 миңга яқин тикув ва тикув-трикотаж махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган махсулотлар ҳажми ва турларини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Нуқтаи назар

Уларнинг барқарор ва самарали ишлашида эса қабул қилинган ҳуқуқий асослар аини мuddадо бўляпти. Эътиборлиси, охириги икки-уч йил ичида бир неча қарор ва фармонлар қабул қилинибди, улар соҳа ривожига дастурийлашмаган бўлди. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 28 майдаги "Республика ҳудудларида тикув-трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, ўша йил 16 сентябрдаги "Енгил sanoatни янада ривожлантириш ва тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек, 2020 йил 5 майдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoatини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2022 йил 21 январдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чўқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр махсулотларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлар ана шундай ҳужжатлар сирасига кириди.

Бундан ташқари, ҳозир мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, енгил sanoat корхоналари одамларни, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминловчи қўлай маскан ҳисобланади. Шундай экан, дунёга янгича нигоҳ билан қарайдиган, уздабурон, ишининг кўзини билмайдиган, келажакимиз пойдевори кувручи мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам энг муҳим ва масъулиятли вазифага айланмоқда даркор.

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида соҳа учун кадрлар тайёрлаб берувчи бир қатор йўналиш ва мутахассисликлар мавжуд. Уларда талабалар

ўзлари танлаган соҳа бўйича билим, кўника ва малакага эга бўлишмоқда. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб институтда енгил sanoat буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологиясини (шахсий буюртма асосида кийим тайёрлаш) йўналиши очилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунки мазкур йўналишда талабалар тикувчилик соҳасини ўзлаштириш бора-бора, келажакда мустақил равишда иш юритиши ҳамда ички ва ташқи бозорни рақобатбардор махсулотлар билан таъминлашга ўз хиссасини қўшишлари мумкин. Қолаверса, талабаларнинг чўқур билимга эга бўлиши учун назария ва амалиётнинг ўйиништири зарур. Шу жиҳатдан ишлаб чиқаришга, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфатли ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари белгиланган берилгани диққатга сазовор.

Айнан шундан келиб чиқиб, "Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси" кафедрасида енгил sanoat соҳаси, хусусан, юртимиздаги тикувчилик корхоналари учун малакали ва етук мутахассисларни тайёрлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзтўқимачилик sanoat" уюшмасига қарашли тикув ва тикув-трикотаж корхоналари, хусусий ва қўшма корхоналар, илмий-тех-тирлик институтилари ва бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ин-теграциясини янада ривожлантириш мақсадида таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртиндаги ўзаро инновацион корпоратив ҳамкорлик бўйича шартномалар тузилган.

Бу шартномалар корхонанинг мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талабни бевосита кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўрганиб борилишини олиб ташкил этиш мақсадида стажировкалар

жорий қилиш, хорижий давлатларнинг энг илгор тажрибаси, шунингдек, ўқув режалари, фан дастурлари, ўқув адабиётларининг янги авлодини ишлаб чиқиш, илмий йўналишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида илмий тадқиқот ишларини ҳамкорликда бажариш, корхонада кафедранинг филиалини, талабалар амалиётини ташкил этиш каби масалаларни ўз ичига олган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари Россия, Қозғоғистон, Украина, Корея, Туркия, Англия, Франция каби мамлакатлардаги турдош олий таълим муассасаларида малака ошириб, тажрибаларини ўқув жараёнига, илмий тадқиқот ишларига тадбиқ этиб келмоқда. Аини чоғда профессор-ўқитувчиларимиз нафақат юртимиз, балки қўшни мамлакат олий таълим муассасалари талабаларининг назарий ва амалий билим олишларига ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Алматы технология университети магистратура талабаларни институтимиз қошидаги "Sentex" сертификация лабораториясида кафедранинг илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилари раҳбарлиги остида ўзларининг тажриба-тадқиқот ишларини бажаришда, Миллат ташқари, мутахассислик фанлари бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан онлайн маъруза дарслари ташкил этиш келинмоқда.

Ўқув режага асосан бакалавриатура талабалари юртимиздаги кўпга корхоналарда, жумладан "Ideal textile orzu" МЧЖ, "Iffixor kiyim sanoati" МЧЖ, "Zarbdor textile" МЧЖ, "Нурафшон-нур" МЧЖ, "Нур текс" ХК, "Sanam" ХК, "Chirchiq Mega Biznes" МЧЖ, "Fashion star" МЧЖ, "Cotton Road" МЧЖ каби ишлаб чиқариш корхоналарида ўқув, ишлаб чиқариш билан танишуш, малака амалиётлари ва битирувчи амалиётларини, магистратура талабалари эса илмий фаолиятларини олиб боради. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг билим ва кўникмаларини янада мустақамлашга қаратилган.

Шунингдек, битирув малакавий ишлар, докторлик диссертациялари мазмуларини шакллантириш ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ учун мос равишда мазмулар банки яратилган бўлиб, шу асос-

да ишланувчилар илмий тадқиқот фаолиятига йўналтирилади.

Кафедра қошидаги замонавий тикув ва конструкторлик лабораториялари ва инновацион дастурий таъминотга эга бўлган CAD CAM-кийимларни лойихалашнинг автоматлаштирилган тизими талабаларнинг курс ҳамда диплом лойиҳалари, магистрлик диссертацияларини ҳамда мустақил ишларни бажаришга хизмат қилмоқда. Ёки Академик инновациялар фонди орқали ажратилган маблаг асосида Франциядан келтирилган инсоннинг антропометрик ўлчамини контактсиз усул билан ўлчайдиган "Bodyscanner" ускунаси кийимни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган усулда ишлаб чиқилишига имкон яратади.

Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган тикув лабораториялари ва компьютер техникалари жалланган аудиториялар дарс машғулотларини ҳамда илмий тадқиқот ишларини юқори техник даражада амалга оширишни таъминлайди. Институт қошидаги замонавий техника ва технологиялар ўрнатилган "Sentex.uz" сертификация лабораторияси, "Формали кийим тикув ўқув илмий лабораторияси", Корея — Ўзбекистон тўқимачилик технопарки талабаларнинг машғулот дарслари ва илмий тадқиқот ишларини сифатли олиб боришда кўп келмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил ишланувчилар ва тадқиқотчилар ишлаб чиқариш корхоналаридаги мавжуд муаммолар банкчидаги мазмулар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради ҳамда бу жараёнга иқтидорли талабалар ҳам жалб этилмоқда. Хозирги кунда фундаментал ва амалий грант лойиҳалари, стартап ҳамда ҳужалик шартномалари лойиҳалари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари асосида бир қанча ишланмалар яратилган. Улар Интеллектуал мулк агентлиги ҳимояланган. Аини чоғда, иқтидорли талабаларимиз "Энг яхши патент", "Энг яхши магистрлик диссертацияси", "Ўзбекистон учун 100 гоғ" лойиҳаларининг республика филиаллари бўлиши ҳамда "InnoWeek.uz" халқаро инновационлар ярмаркаларида нуфузли ўринларини эгаллаб келмоқда.

Мастера РАСУЛОВА, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири, техника фаилари доктори.

МАТОНАТ ВА ИРОДА СИНОВИ

Пойтахтимиздаги "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасида "Мен голиб" шиори остида югуриш марафони ўтказилди. Марафон очилишига турли идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда спортга беварқ бўлмаган кўнгилчилар ҳам бўлди.

Марафон

Иштирокчилар Қорақамиш, Кичик халқа йўли, Сағбон, Олтинсой, Дилсарой қўчалари орқали "Ғалаба боғи"даги финишга етиб келди.

Мазкур марафон фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодини ватанпар-

варлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустақамлаш мақсадида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир.

"Мен голиб" шиори остидаги марафонда юрт посбонлари Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, белгиланган масофани босиб ўтишди. Бу эса пойтахт қўчаларига байрамона кайфиятни олиб кирди, десак, муболага эмас.

Умумжамоа ҳисобида марафоннинг мутлақ голиби сифатида эса Мудофаа вазирлиги жамоаси эътироф этилди.

Марафон сўнгида голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан медаль, кубок ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).



С.Ироқовнинг ФОҶИДОВ олган сурат.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 268 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мушаххис — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.13. Топширилди — 01.30. 1 2 3 4 5 6